Ушбу сонда:
2 СУВ ТАНҚИСЛИГИ ижобий ҳал этилмоқда
3 ИЛМИЙ ХОДИМЛАР мустаҳкам ижтимоий ҳимояда
4 *Оқибатли кишилар* МАҲАЛЛА ФИДОЙИЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 16 январ, сешанба №9 (1023)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Гурур

ХХ аср билан хайр-хўш қилган кунларимизда серташвиш кечган юз йилликка назар ташлар эканмиз, истиқлолнинг ғолибона ўн йили, айниқса, бугун руҳи баланд миллатимиз, унинг порлоқ истиқболи кўз олдимизга келади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла ОРИПОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

МИЛЛАТИМИЗНИНГ РУҲИ БАЛАНД

- Абдулла ака, Янги юз йиллик барча қатори Сизга ҳам бахт ва ижодингизга барака келтирсин.

- Раҳмат! Модомики, гап ўтган юз йиллик, минг йиллик ҳақида кетаётган экан, уни яқинда юз берган ажойиб воқеадан бошламоқчиман. «Туркистон» газетаси ўз мухлислари ўртасида «ХХ асрнинг буюк шахси ким?» деган сўров ўтказибди. Бу саволга жавоб берган кўпчилик ёшларнинг фикрини билиб, ўтган умримизга яна бир бор шукроналар айтдим ва амин бўлдимки, Йўлбошчимиз Ислом Каримов бошлаган йўлдан, бизнинг ортимиздан мана шу юртнинг, мана шу табаррук тупроқнинг, ўзбек деган қадим миллатнинг шон-шуҳратини дунёга байроқ қилишга қодир авлод келаётир.

Энди ўзимга келсак, бир ижодкор сифатида ўтган ХХ асрдан розиман. Чунки биз сўнгги юз йилликдан Мулла Тўйчининг хазин хонишию Ҳабиб Абдуллонинг ер қаърини кўра олган заковатини, Ҳалима Носироваинг булбулдек тиниқ овозини ўзимиз билан бирга олиб ўтдик.

Бу дунёи қадимда жонли неки мавжудот бор, унга албатта тирикчилик керак: қорин тўйғазиш, бошпана ва ҳоказо. Жумладан, инсон боласи ҳам жонзот жумласига кирар экан, унинг ҳам юқоридагиларга ўхшаш эҳтиёжлари бор.

Бироқ онг ва тафаккур эгаси бўлмиш инсонга бошқалардан фарқли ўлароқ ғоят теран туйғулар ҳам насиб этган. Бу эса руҳдир. Шу битта сўзнинг қаёқдан келиб чиққанини ўйлаб қарасак, қуйидагилар маълум бўлади. Яъни руҳ аллақандай сирли, кўзга кўринмас бир қушнинг номи экан. Иккинчиси эса, биз ҳар куни такрорлаб турадиганимиз Жоннинг муқоясаси.

Руҳий дунё, руҳоният тушунчаларию арвоҳ дегани ҳам руҳнинг эгаси маъносида ишлатилиб келинади. Бир қарашда мавҳум туюлган бу хилқат аслида одамзод ҳаётининг моддий яшаш тарзига бевосита алоқадордир. Масалан, бирор кимсага муносабат билдирганда унинг руҳи баланд ёки руҳи паст деймиз. Ёки кимнингдир бошига оғир кун келса, руҳинг тушмасин, дея тасалли берамиз. Ҳозир мен келтираётган далилу исботлар айрим шахслар ҳақида айтилиб келинади. Бироқ масалага теранроқ қаралса, руҳият дунёнинг мувозанатини ва бир бутунлигини ушлаб, таъминлаб турувчи Мутлақ тушунчадир.

Халқлар у ёки бу шарт-шароитда нега ғолиб ёхуд мағлуб бўладилар? Тарихдан маълумки, руҳи баланд, иймон-ишончи мустаҳкам ҳар қандай қавм ёки халқ ҳеч қачон енгилмаган. Аммо унинг руҳини кўтариш ёки тушуриш ташқи таъсирларга ҳам бевосита боғлиқдир. Шу ўринда битта мисол келтириб ўтай.

(Давоми 3-бетда.)

ОҚСАРОЙДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг фахрий профессори унвони берилди

15 январ куни Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашув чоғида Москва Давлат университети ректори Виктор Садовничий Давлатимиз раҳбарига мазкур унвон дипломини тантанали равишда топширди. Мамлакатимиз Президенти бу унвонга Ўзбекистон-Россия муносабатларини ҳамда фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари учун сазовор бўлди.

Ислом Каримов эътирофи ва кўрсатган ҳурмати учун москвалик олимларга миннатдорлик билдирди.

В.Садовничий Ўзбекистонда янги авлод тарбияси, таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар россиялик олимлар, таълим соҳаси мутахасссислари томонидан юксак баҳоланаётганини таъкидлади. «Биз сизни келажак авлодлар учун катта ғамхўрликлар қилаётган давлат раҳбари сифатида алоҳида ҳурмат қиламиз, -деди у.- Хусусан, Ўзбекистонда сиз бошчилигингизда ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ҳақиқатан ҳам, катта эътиборга молик ҳужжатдир».

Россиянинг энг йирик ўқув маскани бўлган Москва Давлат университети халқаро майдонда ҳам катта обрў-эътиборга эга. Шу боисдан университетнинг фахрий профессор ёки докторлиги унвони дунё миқёсида обрў қозонган илм-фан, маданият ва сиёсат арбобларига берилади. Мазкур илм даргоҳининг фахрий профессорлари рўйхатида оламга машҳур адиб И.Гёте, Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Ж.Неру, АҚШ Президенти Б.Клинтон, Украина Президенти Л.Кучма каби машҳур шахслар борлиги бунинг ёрқин далилидир.

(ЎзА)

Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул муомаласини тўғри ташкил этиш ҳамда тартибга солишга доир қарорларининг 2000 йилдаги ижроси муҳокама этилди. Уни мазкур комиссия раиси, Марказий банк раиси Ф.Мўлажонов бошқарди.

РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Таъкидланганидек, ўтган йили нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб этиш кўрсаткичлари мамлакат миқёсида кўзда тутилган даражадан анча юқори бўлди. Шу билан бирга айрим ҳудудларда бу борада етарли ишлар олиб борилмаётгани, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани ҳамда ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссиялари фаолиятида қатъий назорат ва талабчанлик етишмаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Вилоятлар Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарлари зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг йиғилишида Юртбошимиз томонидан қўйилган устувор вазифалар, хусусан, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодиётда аниқ мақсадга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, жойларда инфратузилмани ташкил қилиш, халқ моддий фаровонлигининг узлуксиз ўсишини таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш каби йўналишларни дастуриламал сифатида қабул қилиш ва уларни оғишмай бажариш юзасидан барча зарур чоратадбирларни кўриш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, жойларда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринларини ташкил этиш, маҳаллий бозорларни харидоргир истеъмол моллари билан тўлдириш, аҳолига савдо, пулли хизматлар кўрсатиш турини кенгайтиришга эътиборни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижро этилиши ҳам муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

(ЎзА)

«ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР» СИҲАТГОҲИ ҚУРИЛМОҚДА

Хоразм вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари Кенгаши Хонқа туманида қурилаётган ва бу йил ишга туширилиши мўлжалланаётган 125 ўринли оромгоҳни «Оналар ва болалар» деб номлашга қарор қилди.

Оромгоҳ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг капитал қурилиш бошқармасига қарашли оромгоҳ масканлари ва касаба уюшмалари объектлари бўйича қурилиш дирекцияси буюртмаси асосида барпо этилмоқда.

— Бу йил 300 миллион сўмлик иш бажаришимиз керак. Шу маблағ билан оромгоҳнинг биринчи навбати ишга тушади, ҳамда оналар ва болаларни ўз бағрига олади, — дейди қурилиш дирекцияси бошлиғи Султонбой Ўтамуротов.

«Оналар ва болалар» сиҳатгоҳи ишга тушса, Хоразмда бундай саломатлик масканлари сони 12 тага етади.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

МДУ ОЛИМЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети (МДУ) делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ташриф буюрди. Учрашувда олий таълим соҳасида алоқаларни чуқурлаштириш, ўзаро талабалар алмашув тўғрисида сўз борди. Шу боис мазкур вазирлик ва университет ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Битимни Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов ҳамда МДУ ректори В.Садовничий имзолади.

МДУ делегацияси Ўзбекистон ташқи ишлар вазири, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори А.Комилов ҳамроҳлигида номи зикр этилган илм даргоҳига ташриф буюрди ва талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқалар тобора ривожланиб бораётган бўлса-да, таълим соҳасидаги ҳамкорлик бироз оқсаётгани, бундай сусткашликка барҳам бериш кераклиги қайд этилди. Хусусан, МДУ делегацияси раҳбари, университет ректори В.Садовничий, Ўзбекистоннинг илмий салоҳияти жуда юқори эканлигини ва олимларимиз дунё фани тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келаётганини айтди. Мамлакатларимиз олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш эса бундай илмий имкониятларни янада кенгайтиради.

Россиялик меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистон Миллий университетида ҳам бўлиб, мазкур ўқув даргоҳи профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашув ўтказди.

(ЎзА)

ИНСОН ҚАЛБИ ГУЛДЕК НОЗИК

Яхшилар мадади

Инсон қалби гулдан ҳам нозик. Арзимаган гап билан уни ранжитиб қўйиш ёки озгина далда билан бир олам завққа тўлдириш мумкин.

Биз қалбимизга далда бўлган инсонлар борлигидан ғоят мамнунмиз. Гап шундаки, қизимиз Роза республика Марказий инкассация бирлашмасида ишларди. 1995 йили у оғир касалликка чалиниб, 37 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Ўша кезлар бу ёруғ олам кўзимизга қоронғу эди. Ўзимизни қўярга жой тополмай юрган пайтларимизда унинг ҳамкасблари кўнглимизни кўтариб, тез-тез хонадонимизга ташриф буюриб туришди. Улар қизимизнинг фазилатлари ҳақида гапириб беришар, шунда худди қизимизни қайта кўргандай бўлиб, қалбимиз севинчга тўларди. Орадан шунча йил ўтган бўлса-да, бирлашма касаба уюшма қўмитаси бош-қош мурувватли кишилар бизни ёлғиз қолдиришмади.

Байрамларда, хотира кунларида уйимизга келиб, ҳолимиздан хабар олиб туришибди. Ҳар сафар моддий ёрдам берадилар.

Жигарбандимиз ана шундай аҳил жамоада, меҳрибон инсонлар орасида меҳнат қилганидан фахрланиб кетаман. Уларнинг қалбларини меҳр-оқибат туйғуси асло тарк этмасин, дейман.

Аскар ҲУСАНОВ, пенсионер.

Республикамиз Президентининг Ўзбекистон мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия ҳақидаги Фармони ўзбек халқи кечиримли, бағрикенглигининг яна бир исботи бўлди.

ТЎҒРИ ЙЎЛДА

Ўрта Чирчиқ тумани ижтимоий мослашув маркази маҳаллалар посбонлари ва оқсоқоллар билан ҳамкорликда жазони ўтаб қайтган кишиларни ишга жойлаштириш юзасидан ибратли тадбирларни амалга оширмоқда

— Миннатдорчилик билдиргани келдим, - деди Ўрта Чирчиқ туман ижтимоий мослашув марказига ташриф буюрган ёш йигит - амнистия шарофати ила оиласи бағрига қайтган Қаҳрамон Жалилов. - Ҳар сафар мурожаат қилганимда ёрдамингизни дариғ тутмадингиз. Ўз даромадимга эга бўлгунимча етадиган маблағ билан таъминладингиз...

— Юртбошимизга раҳматлар айтаман, - деди тўйтепалик Умида Абдураҳмонова. Ўғлим Абдувоҳид тақдирига бефарқ қараганимиз оқибатида у жиноятчи деган ном олди, оиламиз юзини ерга қаратди. Амнистия туфайли озод этилди. Ҳукуматимизнинг меҳрибонлиги билан у 14.700 сўм ижтимоий ёрдам пули олди. Бир ҳафта бўлдики, Бектемирдаги «Автотеххизмат» корхонасига ишга жойлашди. Барча кўргиликлар бизга сабоқ бўлди. Ўғлимиз энди ҳаётда ўз ўрнини, бахтини топишига ишонаман.

Ижтимоий мослашув маркази раҳбари Алишер Жумабековнинг кунлари кўпинча ана шундай ўтади.

— Бизнинг асосий таянчимиз маҳалла посбонлари, оқсоқоллари, - дейди у. — Ойига икки марта бўладиган йиғилишда ҳамма масалалар юзасидан маслаҳатлашиб оламиз.

Амнистия эълон қилинганидан буён марказга бир қанча киши мурожаат этган бўлса, уларга паспорт олиш ва ишга жойлашишлари учун 82820 сўмлик ижтимоий ёрдам берилди. Қисқа вақт ичида 11 нафар киши иш билан таъминланди. Саидакбар Умаров «Қорасув» пахта тозалаш заводида ишчи, Мансур Мингбоев шаҳарлараро автотранс корхонасида ҳайдовчи, Юсуф Ражабов «Қобул-Ўзбек-Текстил» комбинатида таъминотчи бўлиб фаолият бошлади. Бу каби хайрли ишларда Муқимий маҳалласининг оқсоқоли Восиқ Қосимов ва Оқил Шарофуддинов маҳалласи оқсоқоли Абдусаттор Мамедовнинг олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир.

Марказ қошида кичик корхоналар, деҳқон-фермерлар уюшмаси ташкил этиш кўзда тутилгани ҳам айни муддаодир. Ушбу мақсад учун бўш ётган ферма биноси танланди, олинадиган кредит миқдори белгиланди. Демак, тез кунларда иш ўринлари янада кенгаяди.

Ишлаш истагини билдирганлар учун эса ҳамиша иш топилади. Туман меҳнат бўлими ижтимоий ҳимоя бўлинмаси бошлиғи Айша Холменованинг таъкидлашича, 2000 йил мобайнида жазони ўтаб келганлар учун корхона ва ташкилотларда бир қанча иш ўрни ҳозирланди. Ҳозиргача амнистия билан озод этилиб, иш сўраб келган кўпчилик ёшлар бўлим йўлланмаси билан ишга жойлаштирилди. Амалдаги Низомга асосан, йўлланма билан келган бундай кишиларни ҳар бир корхона ва ташкилот раҳбари беш кун ичида иш билан таъминламоқда.

Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

«БЕБАҲО МУЗЕЙГА МУНОСАБАТ ШУМИ?»

«Ишонч»га жавоб берадилар

Газетамизнинг ўтган йил 2 декабр сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақола Нукус шаҳридаги санъат музейида экспонатларни келгуси авлодга асл ҳолида етказиб бериш учун шароитнинг йўқлиги, музей янги биноси қурилишининг ўлда-жўлдалиги, агар мутасадди раҳбарлар ташаббусни қўлга олмаса, у бир неча йилларга чўзилиб кетиши ва бошқа масалаларга бағишланган эди.

Қуйида газетанинг ана шу чиқиши юзасидан олинган жавоб хати билан танишасиз:

— Мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича бир қанча чоратадбирлар белгиланди.

Бу масала республика раҳбарлари томонидан қайта кўриб чиқилди. Натижада ўтган йил тўртинчи чорагида Ўзбекистон Республикаси тегишли органи томонидан қўшимча 40 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Амалдаги йил қурилиш режасида ушбу мақсад учун 43,9 миллион сўмлик маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Барпо этилаётган бу иншоот Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг доимий назоратида бўлади.

К.ИСМАЙЛОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари.

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Газетамизнинг ўтган йил 26 декабр сонида «Кутубхонами ё музхона?» сарлавҳаси остида чоп этилган мақолада Ғузор туманидаги марказий кутубхона, айрим мактаб, болалар боғчалари, ётоқхоналар қишнинг қарийб бир ойи ўтаётганига қарамасдан иситилмаётгани, халқ таълими бўлими ва касаба уюшма ташкилотлари эса ишда бурилиш ясаш ўрнига муросасозлик йўлини тутаётганликлари танқид қилинган эди.

Қуйида мазкур мақола юзасидан таҳририятга келган жавоб билан танишасиз:

— Газета чиқишида кўрсатиб ўтилган далиллар ва билдирилган эътирозлар ушбу масалани мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан муҳокама қилиш чоғида тўғри деб топилди.

Ҳақиқатан ҳам мақола босилиб чиққунга қадар 5 тонна суюқ ёнилғи мавжуд бўлиб, эҳтиёжнинг маълум бир қисминигина қондириши мумкин эди. Шошилинч кўрилган чоратадбирлар натижасида қолган 55 тонна ёқилғи ҳам келтирилди.

Айни пайтда танқид остига олинган касб-ҳунар лицейи ўқув биноси ва ётоқхонаси, шунингдек, Т.Жумаев номли мактаб, «Бинафша» болалар боғчаси иситилмоқда. Туман марказий кутубхонаси биносини иситишга мўлжалланган қозонхона ва қувурлар таъмирланаётир.

Б.НУРИДДИНОВ, Ғузор тумани ҳокими ўринбосари.

Бугунги кунда республикамизда 47 та академик лицей, 260 та касб-хунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га биноан 2005 йилгача 1611 та касб-хунар коллежи ва 181 та академик лицей ишга туширилиши лозим. Айни кунларда 250 дан зиёд касб-хунар коллежларини барпо этиш ишлари олиб борилмоқда. Республикамизда ана шундай кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётган бир пайтда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмиталари қандай фаолият кўрсатмоқда?

Ушбу масала Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг III Пленумида атрофлича таҳлил этилди.

Ислоҳот инсон учун

ЗАМОН ТАЛАБИГА ҲАМОҲАНГ ИШЛАЙЛИК

— Касаба уюшма ташкилотлари ўз фаолиятларини ижтимоий шерикчилик тамойиллари, иш берувчилар билан касаба уюшмаларининг ўзаро муносабатлари асосида ташкил этган, - деди Марказий қўмита раиси Зоиржон Қодиров тармоқда олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталар экан. - Марказий қўмитамиз Республика Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими Маркази билан тегишли битимлар тузган ҳолда иш олиб бормоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар миқёсида 31 та, туман ҳамда шаҳарлар бўйича 214 та битим, 16509 бошланғич ташкилотдан 11068 тасида жамоа шартномалари тузилган. Уларда касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, дам олишлари ва соғлиқларини мустаҳкамлаш, спорт, маънавият ва маърифат масалаларига, меҳнат муҳофазасига алоҳида аҳамият берилган. Бунга амал қилган ҳолда деярли барча олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртларида ўқитувчи ва талабалар имкон даражасида моддий ва маънавий рағбатлантирилаётгани, устама ойлик маошлари бериб келинаётгани фикримиз далилидир.

Бугунги бозор шароити таълим тизими муассасаларидан ҳам бюджетдан ташқари маблағ топиш йўлларини излашни талаб этади. Йиғилишда ушбу масалага ҳам катта эътибор қаратилди. Хусусан, Наманган шаҳридаги Хосиятхон Аҳмедова раҳбарлик қилаётган педагогика билим юрти фаолияти тадбир иштирокчиларига намуна сифатида мисол келтирилди. Бу масканда бир неча йил аввал кўп тармоқли кичик корхона ташкил этилган бўлиб, унда тикувчилик, чорвачилик, деҳқончилик, балиқчилик, қандолат ва бошқа йўналишдаги цехлар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 32 гектар ерда пахта, дон, полиз экинлари етиштирилади. Ўтган йили мазкур кичик корхона 4 миллион 200 минг сўмликдан зиёд соф фойда олишга муваффақ бўлди. Бу даромад ҳисобига ўқувчи ва ўқитувчиларнинг имтиёзли овқатланишлари учун шароит яратилди ҳамда мактаб жамоасига арзонлаштирилган нархларда ёғ, ун, полиз ва сабзавот маҳсулотлари берилди, кам таъминланган ўқитувчиларга эса моддий ёрдам кўрсатилди. Бундай тажрибага кенг йўл бериш мақсадида умумтаълим мактабларида хўжалик ҳисоб рақамлари очишга рухсат этилгани ва қўшимча хўжалик ишларини олиб бориш учун яратилган шароитлар ўқитувчи ва мураббийларни ижтимоий ҳимоялашда бош омиллардан бири бўлмоқда.

Жамоа шартномаларига мувофиқ касаба уюшмалари томонидан тармоқдаги 2668 нафар ногирон фарзандлари бор оилалар ўтган йилнинг тўққиз ойи мобайнида 3 миллион 200 минг сўмликдан зиёд, 50 минг нафарга яқин кўп болали оилалар 9,5 миллион сўм, 33587 нафар кам таъминланган оилалар 11,5 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам пуллари олдилар. Шунингдек, ҳомий ва хўжалик ташкилотлари ҳам уларга 18 миллион сўмликдан ортиқ саховат кўрсатдилар.

Тармоқда ютуқлар билан бирга айрим камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Ана шулардан бири шартнома асосида ўқиётган талабалар масаласидир. Бугунги кунда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида 7 мингга яқин талаба шартнома асосида билим олмоқдалар. Аммо, 2-3-курсларда ўқиётган талабаларнинг бир қисми шартнома пулларини тўлашда қийинчиликларга учрамоқдалар. Бунинг натижасида ҳатто айрим талабаларнинг ўқишдан кетишга мажбур бўлаётганликлари ачинарли ҳолдир. Бу муаммони ҳал этишда Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган «2000-2001 ўқув йилида талабаларни қабул қилиш ҳақида»ги Қарори айни муддао бўлди. Унга мувофиқ шартнома асосида ўқийдиган талабаларга давлат томонидан кредит бериш ҳақида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа тегишли идораларга таклифлар ишлаб чиқиш топширилган. Бу Президентимизнинг ёшларнинг билим олишлари йўлидаги яна бир муҳим ғамхўрликларидир. Шак-шубҳасиз, бу борада касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этадилар.

Марказий қўмита ўз имкониятидан келиб чиқиб, кам таъминланган талабалар учун махсус стипендия таъсис этди. Унга биноан ҳозир 30 нафар талаба ҳар ойда 2450 сўмдан қўшимча устама стипендия олмоқда. Бундай стипендиялар бир неча вилоят тармоқ қўмиталари томонидан ҳам таъсис этилган.

Касаба уюшмалари фаолиятида маданий-маърифий, мафкуравий ва спорт ишларининг муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, барча ўқув юртлари ва мактабларда, болалар боғчаларида миллий қадриятларимиз, ахлоқ, одоб, маънавий ва ҳуқуқий мавзуларда давра суҳбатлари, кечалар, «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида кўрик-танловлар ташкил этиш анъанага айланган. Бундай тадбирлар фарзандларимизда ватанпарварлик ва инсонийлик туйғуларини, миллий ғурурни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, маънавият ва маърифат хоналаридан жой олган Президентимиз асарлари, Фармон ва Қарорлар, алломаларимиз ўгитларидан ўғил-қизларимиз жуда катта маънавий озиқ олмоқдалар.

Шунингдек, касаба уюшмалари томонидан спорт-соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилаётгани боис, институт ва университетлараро спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб турилди. Бунда айниқса, Андижон, Жиззах, Тошкентдаги олий ўқув юртлари талабаларининг жаҳон миқёсидаги спорт мусобақаларида иштирок этиб, юрт шаънига муносиб натижаларни қўлга киритганликлари қувонарли ҳолдир.

Шуни таъкидлаш керакки, Федерация Кенгаши ижроия қўмитасининг вилоятлар бўйлаб ўтказган сайёр йиғилишларида жойлардаги айрим жиддий камчиликлар аниқланди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасида Федерация Кенгашининг «Янги молиявий фаолият тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши таъминланмаганлиги, бошланғич ташкилотлар билан ишлашда хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани, Жиззах вилоят тармоқ қўмитасида кадрларни танлаш ҳамда жой-жойига қўйиш ишлари суст эканлиги кўрсатиб ўтилганди. Натижада 30 дан зиёд туман ва шаҳар тармоқ қўмиталари раислари лавозимларидан озод этилдилар.

Тармоқ касаба уюшмаларининг XXI асрнинг дастлабки йилига мўлжалланган тадбирларида шубҳасиз, оналар ва болаларга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда касаба уюшмалари биринчи галда оналар ва болаларнинг, ёшларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний чиниқтириш, юксак маънавиятли, билимдон, Ватан ва халқнинг содиқ, мард фарзандлари бўлиб етишишлари учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқлари лозим. Бу ўз навбатида касаба уюшмалари зиммасига катта масъулият ҳам юклайди.

Анжуманда Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, республикамизнинг барча вилоят, шаҳарлари тармоқ касаба уюшма қўмиталари раислари, олий ва ўрта махсус, халқ таълими муассасалари раҳбарлари иштирок этиб, касаба уюшмаларининг бугунги кундаги ўрни, улар олдида турган долзарб вазифалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

Фаолиятини бошлаганига ҳеч қанча вақт бўлмаган эса-да, Ўзбекистон Миллий банкининг Олмалиқ филиали мижозлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Тошкент вилоятининг асосан Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари, Оҳангарон, Бўка, Пскент туманларига хизмат кўрсатаётган мазкур банк ҳудудда ишлаб чиқаришни юксалтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор бермоқда.

Айни пайтда 16 та фермер хўжалиги, 9 та хусусий тадбиркор мазкур банкдан микрокредит олиб, энди бошлаган хусусий бизнесини оёққа турғазмоқда. Уларнинг ҳар бирига ўртача икки миллион сўмдан жами 43 миллион 442 минг сўм микрокредит ажратилди.

— Биз эндиликда тиббиёт, маиший хизмат соҳаси билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга ҳам микрокредит ажрата бошладик, — дейди банк филиали бошқарувчиси Насиба Турдиева. — Чунки ҳудудимизда айнан шу соҳаларда оқсаш кузатилаяпти. Масалан, Оҳангарон воҳасида хусусий клиникалар деярли йўқ. Маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи ҳам қониқарли эмас. Бу биз банкирларни ҳам янада фаолроқ ва самаралироқ ишлашга даъват этади.

Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

СУВ ТАНҚИСЛИГИ ижобий ҳал этилмоқда

Фармон ва ижро

Фақат мустақилликдан кейинги даврдагина аҳоли турмушини яхшилаш, меҳнаткашларга ғамхўрлик кўрсатиш масалаларига росмана эътибор берилмоқда. Юртбошимизнинг қишлоқ аҳлини газ ва ичимлик сув билан таъминлашга қаратилган Фармонидан сўнг Бухоро воҳасида ҳам бу борада кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Вилоятнинг энг чекка туманлари, қишлоқлари томон минглаб километр узунликда газ ва сув қувурлари тортилди.

Бухоро шаҳри ва унга туташ масканлар аҳли учун 226 километр олисдан Дамхўжа қувури орқали сифатли ичимлик суви олиб келинганлиги фикримиз далилидир.

Қўшни Самарқанд вилоятидан оқиб келадиган обиҳаётдан баҳраманд бўлмоқ бухороликларнинг асрий орзуси эди. Мана, бешйилдирки, Дамхўжа қувури қадим Самарқанд билан Бухорони боғлаб турибди. Буни қуйидаги фикрлардан ҳам билса бўлади.

Ҳожикурбон ҒАФФОРОВ, вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи:

— Биласизми, айни мана шундай талабга мос тушадиган сув манбаини Бухоро заминидан излаб топиш қийин.

Дамхўжа суви энг тоза, сифатли ичимлик манбаи ҳисобланади. Айни чоғда Бухорода у билан рақобатлаша оладиган ичимлик сув йўқ.

Прим СЕВИНОВ, «Дамхўжа» минтақавий бошқармасининг бошлиғи:

— Талаб ва эҳтиёжнинг ошиб бораётганлигини инобатга олиб, минтақалараро Дамхўжа сув тизими қурилиш дирекцияси 2-навбат қурилишига жадал киришди. Учинчи навбат ишга туширилгач эса, нафақат марказда, балки вилоятнинг энг чекка туманларида ҳам аҳоли Дамхўжа сувидан тўлатўкис баҳраманд бўлиши таъминланади.

Зиёдулло ЗИКРИЛЛАЕВ, олий тоифали шифокор:

— Текшириш ва кузатув хулосаларига кўра кейинги 4-5 йил ичида Бухоро шаҳрида сув таркибида туз кўплиги натижасида оғриган беморлар анча камайди. Дамхўжа сувининг ҳосияти туфайли ана шундай ижобий ўзгаришлар юзага келаётир.

Ҳозирда вилоят аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлашни янада яхшилашга доир қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Бу ҳам аслида мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимизда инсон тўғрисида ғамхўрлик давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганлигининг амалдаги кўринишидир.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

ХЎЖАСИЗЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА!

Бешариқ туманидаги «Бешариқ» ширкатлар уюшмасида сўнгги йилларда иш орқага кетди. Моддий манфаатдорлик бўлмаганлиги, ишловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилмаганлиги боис асосий тармоқларда режалар бажарилмаяпти. 2000 йил сарҳисоби бўйича ширкатлар уюшмаси иш ҳақининг ўзидан 5 миллион сўм қарздор бўлиб қолди.

Хўжасизлик қимматга тушмоқда. Бебаҳо бойлик — ерларнинг каттагина қисми шўрланиб кетган. Энг ташвишланарлиси, хўжалик аъзоларининг шашти паст. Маданий-маиший, савдо хизмат кўрсатиш ишлари орқага кетганлиги ҳам кўпчилик эътирозига сабаб бўлмоқда. Трактор паркига кирсангиз қаровсиз қолган техникани кўриб юрагингиз ачишади. Сабабини сўрасангиз мутасаддилар «узрли» баҳоналарни рўкач қилишади. Бундай шароитда ширкатлар уюшмасида аҳвол яхши томонга ўзгариши амри маҳол.

МУКОФОТГА ИККИТА «ТИКО»

Қаерда инсон ишлаши ва дам олишига етарли шароит яратилса, меҳнатга яраша рағбат кўрса, ўша жойда кўзланган натижа бўлади. Буни жамоа шартномаларига амал қилиб, ўтган йилда катта ютуқларни қўлга киритган хўжаликлар мисолида кўриш мумкин.

— Баъзан ҳамкасбларим еримиз, сувимиз бир, лекин сизларда меҳнат унумдорлиги юқори, бунинг сабаби нимада, деб сўрашади. Сабаби оддий, дейман, деҳқон моддий манфаатдорлиги таъминланган, меҳнати қадрланган жойда ишлар олдинга силжийверади. Масалан, биз хўжалик бошқаруви билан биргаликда 2000 йилда бажариладиган юмушлар, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, илғорларни мукофотлаш юзасидан белгилаган тадбирлар тўла бажарилишини таъминладик. Уларнинг биронтаси қоғозда қолиб кетмади. Иккинчидан, ёз ойлари ва йиғим-терим мавсуми давомида дала шийпонлари миришкорнинг ҳақиқий иккинчи уйига айлантирилди. Маош ойма-ой бериб борилди.

Ишлашга ҳамма шароит муҳайё бўлса, одам далага интилади. Шу ўринда бир мисол келтирай. Пахтани ёрдамчисиз, ўзимиз саранжомладик. Натижада терилган хом ашёга тўланган 12,5 миллион сўмдан зиёд пул ўзимизда қолди. Баъзи оилалар теримнинг ўзидан 150-200 минг сўмгача даромад олишди.

Кузги-қишки тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказиш учун меҳнаткашлар моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор бердик. Ишга масъулият билан ёндошиб юмушни сифатли адо этганлар рағбатлантирилди. Ҳайдалган ерларда пушта олинди. Экиш сеялкалари шай ҳолга келтирилди. Таъмирчиларга ҳар куни пешинда иссиқ овқат тайёрланди.

Ўз меҳнатининг қувончли самараларини кўриш кишига ҳузур бағишлайди. Яқинда хосил тўйи ўтказилди. Йил бўйи меҳнат қилган қадоқҳўл деҳқонларимиз дилдан яйрашди. Энг илғор деб топилган пудратчиларга «Тико» автомашинаси калити топширилди. Режани биринчи ва иккинчи бажарган бригадалар эса телевизор билан мукофотландилар.

Собир ҚОСИМОВ, Каттақўрғон туманидаги Навоий номидаги ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.

МАКТАБ ҚУРГАН МУАЛЛИМ

Табиий офат юз берган баҳор ойларида Қамаши туманидаги бир қанча мактаб, ўқув юртлари, болалар боғчалари жиддий шикаст кўрганди. Кўп ўтмай туманда ер қимирлаш оқибатларини тугатиш бўйича қизғин иш бошлаб юборилди. Қисқа вақт ичида замонавий ўқув бинолари қад ростлади. Шулардан бирига Чўлпон номли мактаб ўқитувчиси Норбой Жуманов раҳбарлик қилиб, қисқа вақтда мактабни ҳашар йўли билан тугалланишига катта улуш қўшди.

— Норбой Жумановнинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқ, - дейди туман халқ таълими бўлими мудири С.Абдуқодиров. - Ундан ўқувчилар, ота-оналар, хуллас, барча ҳамқишлоқлари мамнун.

Амалдаги йилда мактаб ҳовлиси боғ-роғга айлантирилиши режалаштирилган.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

Фотоайбнома

Суратларда: (чапдан ўнгга) хўжасизлик оқибатида тракторлар шу ҳолга келиб қолган; буғдойзорларда чорва моллари бемалол ўтлаб юрганлиги наҳотки хўжалик раҳбарлари, меҳнатчиларни ташвишлантирмаса?!

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

ТОМОШАГА ҚЎЙИЛГАН ДАСТГОҲЛАР

Мухбиримиз бонг уради

Яқинда Қумқўрғон «Бизнес» мактабида кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Ўша куни барча цехлар гуриллаб ишлади. Орадан икки кун ўтгач, цехлар фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида бу ерга келдик.

Директор кечаги семинарни таърифлаб адоғига етмади. Сўнгра мактаб қошидаги 24 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қиладиган тўқувчилик цехини кўздан кечирдик. Аҳволни кўриб ёқа ушладик. Германиянинг «Текстима», Россиянинг ип-йигириш ва урчуқлаш машиналари «дам» олаётган экан.

Маълум бўлишича, ушбу дастгоҳлар Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекстил» ҳиссадорлик жамиятида синовдан ўтган, мабодо хомашёдан узилиш бўлмаса улар бир кунда 2000-2500 метр хом сурп газламаси ишлаб чиқариш қувватига эга экан. Ҳатто бўёқлаш машиналарининг 7 соат мобайнида 6000 метр газламани бир хил рангга бўяшга қурби етаркан. Бироқ, қанчадан-қанча маблағ эвазига Польшадан келтирилган «Джигир» русумли бўёқлаш машиналари ҳам савлат тўкиб турибди. Буни қарангки, цехларнинг йил давомида узлуксиз ишлаб туриши учун эса бор-йўғи 70 тонна пахта толаси керак экан. Хўш, уни қаердан олиш лозим? Мактаб маъмуриятининг турли юқори ташкилотларга ёзма-оғзаки мурожаатлари ҳеч қандай натижа бермади.

Аммо, дастгоҳлар хўжакўрсин учун ўрнатилганлигини била туриб, кўпчилик раҳбару тадбиркорларнинг вақтини олиб, ишламайдиган цехлар ишчиларини гўёки илғор кўрсатиб, бу ерда кўргазмали семинар ўтказишдан не наф? Кўзбўямачилик кимга керак?!

Мактаб тадбиркорлик йўлини танлабди. Катта маблағлар эвазига бутун бошли фабрика кўринишидаги цехлар барпо қилинибди. Буни табрикласа бўлади. Лекин у ишлатилмаса, иш ўринлари бўш ётса — бундан ким ютади? Хуллас, бажарган ишларимиз қоғозда эмас, амалда ўз аксини топганда эди, цехларнинг бунчалик ҳувиллаб қолишига йўл қўйилмасди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

МИЛЛАТИМИЗНИНГ РУҲИ БАЛАНД

(Боши 1-бетда.)

Амир Темур бобомиз ўз лашкарларига қатъий фармон бериб айтмишларки, жанг майдонида магар битта аскар қолса ҳам у байроқни қўлдан бермасин. Яловнинг эгилгани мағлубият нишонасидир. Ёки бошқа бир мисол. Бирор хонадонда мусибат ёки ўлим юз берса, қўни-қўшни, маҳалла азадорлар ёнида бўлади.

Албатта, бу билан майид тирилиб келмаслиги аниқ. Лекин бундай муносабат қайғули дилларни бир қадар юпатади. Инсонга руҳий мадад, тасалли беради. Бу мисолларнинг барчаси руҳият дунёсига тааллуқлидир.

- Ҳа, ҳар қандай шароитда ҳам ўзбекнинг, қадим аждодларимизнинг руҳи баланд бўлган. Бу масалада бугунги ёшларимизнинг ўзини тутишлари қандай деб ўйлайсиз?

- Мен XX аср билан хайрлашган кунларимизда анчайин серташвиш кечган юз йилликка назар ташлар экансан, бир ҳолга диққатимни қаратиб, шу ҳақда гапиргим келади. Бу нарса сизнинг саволингизга жавоб ҳам бўлади. Яъни, ҳар қандай шароитда ҳам халқимиз, ўзбеклар тушкунликка тушмаган. Энг оғир дамларда ҳам миллатимиз вакиллари бир-бирларига мадад берганлар. Керак бўлса, Худога солдим, дея ўз ишончларини ифода этганлар. Албатта, гап бу ерда миллатнинг руҳий дунёси ҳақида кетаётир. Бунга талай-талай мисолларни келтиришимиз мумкин.

Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» деб нидо чекиши инсон руҳияти эмасми? Ёхуд 45 кун ичида Катта Фарғона каналини қазиб, ўзининг ҳаёти учун шарт-шароит яратишга жазм этиб, якдиллик билан меҳнат қилган халқимиз ҳаракатининг заминида асл асос бўлиб, унинг руҳан соғломлиги ётмайдими?

Халқ руҳини сўндириб ҳам, ўлдириб ҳам, синдириб ҳам бўлмайди. Майдароқ бўлса ҳам битта гапни айтиб ўтсам. Инсоннинг яшаши учун қанчалик зарур бўлмасин, барибир, бир кило гўшт бир етимнинг қатра кўз ёши ўрнини боса олмайди. Баралла ишонч билан айта оламанки, табиатан камсуқум ва камтарин халқимиз яшасин.

У руҳан нимага эришганини англаб ва ҳис қилиб турибди. Шу кунларга етказганга шукроналар айтмоқда. Қозон эса модомики бор экан, бугун бўлмаса эртага қайнайди ва у албатта қайнаётир.

Энди шу кунларга эришдик, дея осмондан чалпак ёғилишини кутавериш ҳам жаҳолатдан бошқа нарса эмас. Халқимизда бир гап бор: фалончи сенга ариқдаги сувни ҳам раво кўрмайди дейишади.

Не-не ҳасрат, не-не курашлар эвазига эришган ҳурриятимизни кўролмайдиганлар озмунчами? Биз кечирган кулфатлар ўзларининг бошига тушганда қандоқ дод-вой солишларини бир зум тасаввур этиб кўрсинларчи. Ёинки ўз ичимиздан чиққан кимсалар-чи?

Пайғамбарлар ҳам, даҳолар ҳам, йўлбошчилар ҳам инсон қавмидандир. Кўҳна тарихдан маълумки, улар ҳам бурда нону қултум сув билан ўз тирикчилигини таъминлагувчи зотлардир.

Модомики шундай экан масалага кенг миқёсда қарайдиган бўлсак, Мустақиллик, Озодлик - бу бутун бир миллатнинг бойлигидир, бутун бир миллат ғалабасидир, бутун бир миллатнинг ифтихоридир.

Обрў-эътиборини, ориятини танийдиган ҳар бир юртдошимиз XXI асрга ўзининг ҳур ва озод миллат вакили сифатида кириб борганини унутмаслиги шарт деб ўйлайман. Халқимизда бир гап бор. Тошиб кетсанг мозорга бор дейди. Ҳар ҳолда тошиб кетганларга айтадиган гапим битта: биз бу кунларга етгунча қанчадан-қанча асл фарзандларимиздан жудо бўлдик.

Айтаверсам дилимда гап кўп. Адибларимиз босиб ўтган ва ўтаётган машаққатли йўлларимизни чуқурроқ таҳлил қилсалар, халқимиз рўпарасида унинг шонли ўтмиши ҳам, машаққатли курашлари-ю кулфатлари ҳам яққол намоён бўлгусидур.

Биз учинчи минг йилликка аждодларимиздан қолган буюк мероснинг ворислари сифатида дадил қадам қўйдик. Бу буюк довонга бизни нене синовлардан тинчомон олиб ўтаётган ва янги асрнинг биринчи йилини меҳр билан Оналар ва болалар йили деб эълон қилган Юртбошимиз раҳнамолигида кириб келдик. Энг муҳими - халқимизнинг, миллатимизнинг, жумладан, ёшларимизнинг ҳам руҳи баланд!

Мансур ТЕНГЛАШЕВ «Ишонч» учун махсус суҳбатлашди. (ЎзА)

Саволларингизга ЎзКУФК Бош ҳуқуқий нозири Ҳамидулла Премқулов жавоб беради.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

АЁЛЛАР

меҳнатидан фойдаланишдаги тақиқланган ҳолатлар

Савол: 1.Ҳомиладор аёлларни ишга қабул қилишда меҳнат қонунларида қандай кафолатлар мавжуд?

2.Ҳомиладор ва икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни енгилроқ ишга ўтказиш учун нима қилиш керак?

3.Тунги ишларда, иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунларидаги ишларда аёллар меҳнатидан фойдаланишдаги тақиқланган баъзи бир ҳолатлар ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: 1.Меҳнат Кодексининг 224-моддасига биноан ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш таъқиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

2.Тиббий хулосага мувофиқ, ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш меъёрлари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади.

Ҳомиладор аёлга енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар, у ана шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим.

3.Ҳомиладор аёлларни ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ҳамда дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилиш ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиги учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Саволингизга ЎзКУФК меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев жавоб беради.

Савол: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 августдаги Фармонига асосан бюджет ташкилотлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш фонди жорий қилинган бўлиб, у ойлик маошга нисбатан 15 фоизни ташкил этади. Пскент туманида барча таълим муассасалари ходимларига ҳар ойда 15 фоизли мукофот пули ойлик маошларига қўшиб берилади. Ушбу мукофот пулидан даромад солиғи қандай тартибда олинади?

Т.УМАРАЛИЕВ, Пскент тумани Халқ таълими бўлими.

Жавоб: 1995 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 98-рақам билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 20 сентябрда 117-рақам билан рўйхатга олинган) бюджет муассаса ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди ҳақидаги Низомга биноан мазкур фонд ҳисобидан амалга оширилган барча тўловлар миқдори ходимдан олинадиган даромад солиғига тортилиши шарт.

ТАЪЛИМ ВА ФАН ВАКИЛЛАРИГА ИМТИЁЗ

Шу имтиёзларнинг барчасидан шаҳар ўқитувчилари 50% ва қишлоқ ўқитувчилари 100% фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги 280-сонли қарорининг 4-бандида:

* «Сув ва газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш квартира ва уйларда — квартира ва уйжойлар мулкдорлари ҳисобидан амалга оширилади», дейилган;

* туман марказларида яшовчи педагог ходимлар барча тегишли имтиёзлардан шаҳар нормалари бўйича фойдаланадилар;

* халқ таълими тизимининг бошқарув органларида ишловчи педагог ходимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги Фармонида белгиланган маиший хизматлар (сув, табиий газ, электр токи ва иссиқлик) учун имтиёзли ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга эмаслар;

* туман (шаҳар) халқ таълими бўлимида ишловчи ходимлар нафақага чиқиб, иш фаолиятларини тўхтатган ҳолда, педагоглик иш стажининг 10 йилдан кам бўлмаганлиги тасдиқловчи ҳужжатлари бўлгандагина улар «маиший ва коммунал хизматлари» учун ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга бўладилар;

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги Фармонига асосан хусусийлаштириб олинган ёки сотилса педагог ходимга бошқа қайтадан имтиёз берилмайди;

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябр «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 3-бандида: «Қишлоқ жойларида ва шаҳар типидаги қўрғонларда истиқомат қилаётган мактаб ўқитувчилари ва болалар уйларининг тарбиячилари квартира ҳақидан ва коммунал хизмат (сув таъминоти, газ, электр ва иссиқлик энергияси) ҳақини тўлашдан озод қилинсин. Шаҳарларда яшовчи мактаб ўқитувчилари ва болалар уйларининг тарбиячиларига квартира ҳақи ва коммунал хизмат ҳақининг 50% миқдорида имтиёзлар берилсин. Марказий иситиш тизимига эга бўлмаган уйларда яшовчиларга белгиланган меъёрлар доирасида ёқилғи ҳақи берилсин.

Мактаб ўқитувчилари ва болалар уйларининг тарбиячилари учун биринчи навбатда ер участкалари ажратиш ва якка тартибда уй қуриш учун бинокорлик материаллари сотиб олиши белгилансин», - дейилган.

Ушбу Фармоннинг 5-бандида эса: «Ўқитувчилар ва болалар уйлари тарбиячиларининг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида доимий ғам-хўрлик қилиш, ёш авлоднинг уйғун камол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, колхозлар раҳбарларининг асосий бурчи деб ҳисоблансин», - деб қайд этилган.

Ушбу Фармон ўз кучини йўқотмаган, тегишли мутасадди ташкилотлар эса уни бажаришга мажбурдирлар.

Шуни ҳам алоҳида изоҳлаб ўтиш жоизки, ўқитувчилар шаҳар транспортидан бепул фойдаланиши маҳаллий бюджет имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Бундан ташқари, кутубхоначи ёки кутубхона мудирлари албатта олий ёки ўрта махсус билимга эга бўлган ҳолда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Зомин туманидаги «Халқобод» ижара ширкатлар бирлашмасига қарашли «Болиқул ота» фермер хўжалиги иқтисодий жиҳатдан тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Шу билан бирга у барча тўловларни белгиланган муддатлардан кечиктирмай тўлашда бошқаларга намуна бўлмоқда.

Суратда: туман солиқ идораси катта нозири Ж.Исмоилов фермер хўжалиги аъзолари билан суҳбатлашмоқда.

Ҳ. АББАЛОВ олган сурат.

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

OLAMDA

ЖАКАРТА. Индонезия мудофаа вазири Муҳаммад Маҳфуд мамлакат ҳукумати билан «Ачех озодлиги» ҳаракати ўртасида Женевада бўлиб ўтган тинчлик музокаралари самарали якунланганини маълум қилди.

Томонлар вақтинчалик ўқ отишни тўхтатиш борасида битимга эришди. Энди улар можарони сиёсий йўл билан ҳал қилиш чораларини кўради, деди вазир.

* * *

МАДРИД. Испания ташқи ишлар вазири Хосеп Пике АҚШ президенти Билл Клинтоннинг Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш борасидаги режасини ёқлади.

Ҳозир қарама-қарши томонларнинг тинчлик битимига эришиш учун қулай фурсат туғилди. Испания ҳукумати Исроил ва Фаластинни бундай имкониятдан самарали фойдаланишга чақиради, деди Х.Пике.

* * *

ПЕКИН. Хитой пойтахтига келувчи хорижий сайёҳлар сони тобора кўпаймоқда. Пекинда ўтган йили 2,8 миллиондан ортиқ сайёҳ меҳмон бўлди. Бу 1999 йилдагидан қарийб 12 фоиз кўп. Даромад эса 2,77 миллиард АҚШ долларига етди. Сайёҳлар орасида Америка ва европаликлар кўпчиликни ташкил қилди.

* * *

АР-РИЁД. Саудия Арабистони ва Миср Яқин Шарқдаги қарама-қарши давлатларни тезроқ тинчлик битимига эришишга чақирди.

Ушбу давлатларнинг қўшма баёнотида таъкидланишича, Яқин Шарқ можароси БМТ Хавфсизлик кенгашининг 242 ва 338 резолюцияси асосида ҳал қилинмоғи лозим. Яъни, минтақада барқарорлик тикланиши учун Исроил Суриянинг Жўлон тепалиги ҳамда Фаластин ерларидаги ҳарбийларини олиб чиқиши ҳамда Қуддусни Фаластинга бериб, мухторият мустақиллигини тан олиши керак.

* * *

БРЮССЕЛ. НАТО раҳбарияти «Болқон синдроми» муаммоси юзасидан текширув ўтказиш борасида хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга розилик билдирди. Шимолий алянс бу масала билан шуғулланаётганларга зарур ҳужжатларни бериши мумкин, деди Бош котиб Жорж Робертсон.

(ЎзА)

NIMA GAP

ИШБИЛАРМОН ТАШАББУСИ

Деновлик ишбилармон, «Орзу» фирмаси раиси Ҳабибулло Нормуродов шаҳарнинг кунботар тарафидан оқиб ўтадиган кўҳна Қизилсув дарёси қирғоғидаги хушманзара жойда «Зилол» деб номланган сиҳатгоҳ қурди. Президентимиз томонидан Оналар ва болалар йили деб эълон қилинган 2001 йилда сиҳатгоҳга тамал тоши қўйилганида ҳам ўзига хос рамзийлик бор.

Хўш, бу сиҳатгоҳ қачон ишга тушади ва у ерда қандай беморлар даволанади? Бу ҳақда «Зилол» сиҳатгоҳи бош врачи Равшан Мирзаев «Туркистон-пресс» мухбирига шундай деди:

— Сиҳатгоҳимиз Наврўз айёмида ишга тушади. Унда ошқозон ичак, қораоқсоқ, асаб хасталикларига чалинганлар шифо топади. Бу ерда беморларни ванна, балчиқ, туз, керамик, инфра қизил нур ёрдамида даволаймиз. Шунингдек, беморларнинг ичаклари ювилади.

Шуниси диққатга сазоворки, бу Х.Нормуродовнинг илк ташаббуси эмас. У ўтган йилнинг сентябрида Қизилсув дарёси бўйида «Гулзор» савдо марказини ҳам қуриб ишга туширган эди. Бугунги кунда ушбу обод манзил минглаб одамларнинг ҳожатини чиқармоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда

ИЛМИЙ ХОДИМЛАР

мустаҳкам ижтимоий ҳимояда

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов республика Олий Мажлисининг XIV сессиясида шундай деган эди: «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ».

Мухбиримиз бу борадаги муваффақиятлар ва муаммолар хусусида ЎзР ФА кадрлар бўлимининг бошлиғи, касаба уюшма ташкилоти раисининг ўринбосари Сирожиддин Каримов билан суҳбатлашди.

— Ҳукуматимиз томонидан истеъдодли ёш илмий ходимлар, аспирант ва докторантларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг илмий фаолиятга бўлган интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда янги қирраларини очиш масаласига катта эътибор берилмоқда.

— Мамлакатимизда илк бор академик Шавкат Воҳидов номидаги Халқаро Ёшлар аэрокосмик жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Ёш олимлар миллий жамияти таъсис этилгани шу йўналишдаги ишларимизнинг дастлабки босқичи бўлди.

Ҳукуматимиз Мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб — аспирантура ва докторантура тизими орқали юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ишига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Фанлар академияси бу борадаги ўз фаолиятини «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талаблари асосида ташкил этиб, 1998-2005 йилларга мўлжалланган аспирант ва докторантлар тайёрлаш режалари ҳамда уларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқди. Бугунги кунда ушбу ҳужжатлар асосида янги шароитларда ишлай оладиган, юқори малакали ёш илмий ходимлар тайёрлаш ишлари давом этмоқда.

Ҳозир академиянинг 39 илмий муассасалари қошида 163 мутахассислик бўйича аспирантура, 33 илмий-тадқиқот институтлари қошида 51 мутахассислик бўйича докторантура фаолият кўрсатмоқда. Умуман 537 нафар аспирант ва 108 нафар докторант таҳсил олмоқда. Кўпгина илмий муассасалар лабораторияларида олий ўқув юртларининг талабалари диплом амалиётини ўтай бошладилар. Уларга ишлаб чиқариш тажрибаси ўргатилиб, диплом ва курс ишларини бажаришда илмий-услубий ёрдам кўрсатилмоқда.

— Ёш илмий кадрларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Аспирантлар ва докторантларни ўтиш даврида моддий рағбатлантириш мақсадида илмий муассасалар ва бирлашмалар ҳар йили бир карра стипендия миқдорида моддий рағбатлантириб келмоқдалар. Фанлар академияси эса махсус фармойиш билан аспирантларга зарур адабиётлар сотиб олишлари учун ҳар йили бир стипендия миқдорида моддий ёрдам кўрсатмоқда.

Ўтган йили Фанлар академияси ҳамда Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитасининг қўшма қарори билан илмий муассасаларда аъло баҳоларга таҳсил олаётган, энг яхши асарлар ва илмий изланишлар муаллифи бўлган, шунингдек, жамоат ишларида фаол иштирок этиб келаётган аспирантлар учун танлов эълон қилинган эди. Ушбу танловда иштирок этган аспирантлардан уч нафари ғолиб деб топилиб, ҳар бири 80 минг сўм миқдорида пул мукофоти билан тақдирланди.

— Домла, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга оширишдаги айрим муаммолар хусусида нима дея оласиз?

— Аввалambор, республиканинг илм-фанга мутасадди бўлган ҳар бир раҳбар ходими фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш, илмий тадқиқотлар ва кашфиётлар самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан интеграциялашувини таъминлаш энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий вазифа эканлигини тушуниши ҳамда аниқ белгилаб олинган ишларни амалга оширишни жадаллаштириши лозим. Вазирлик ва идоралар илмий муассасалар лабораториялари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини билимдон, иқтидорли, янгиликни тез илғайдиган ёш илмий ва илмий-ўқитувчи кадрлар билан мустаҳкамлашлари, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да алоҳида боблар билан ажратилган «Олий ўқув юртидан кейинги таълим», «Кадрлар тайёрлаш тизимида фан», «Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш», «Фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш» каби масалаларга янада жиддийроқ эътибор беришлари, илмий ходимлар нуфузини ошириш чораларини кўришлари мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Темир ҚУРБОН суҳбатлашди.

Оқибатли кишилар



МАҲАЛЛА ФИДОЙИЛАРИ

— Ассалому алайкум, оқсоқол, — дея хонага кириб келди 50-60 ёшлардаги киши.

— Ваалайкум ассалом. Хўш келибсиз, марҳамат ўтиринг.

— Домла, мен Раънохоннинг отаси бўламан, — ўзини таништирди у. — Қизим ва куёвимнинг турмуши бузилишгача етиб борганди. Сизнинг, маҳалла фаолларининг аралашуви билан ёш оила сақлаб қолинди. Бунинг учун сиздан бир умр миннатдорман...

Эркин ака чин дилдан айтилган самимий сўзларни тинглар экан, беихтиёр қалби бахтиёрлик туйғулари ила жўшди. Ўзгалар ташвиши билан яшаётганлиги, демакки, умри бекор ўтмаётганлиги учун яратганга беадад шукроналар билдирди. Дарвоқе, кўнгилга хушнудлик бахш этувчи бу каби воқеалар маҳалла ҳаётида, оқсоқол фаолиятида тез-тез учраб туради. Зотан, бугун кўпчилик Эркин ака Fуломов оқсоқоллик қилаётган Тошкент туманидаги Қизғалдоқ фуқаролар йиғинига қарашли Навоий маҳалласига ҳавас кўзи билан қарайди. Айни кунларда бу ерда амалга оширилаётган ижтимоий ва маданий-маънавий тадбирлар, саъй-ҳаракатлар чиндан-да таҳсинга сазовор.

— Ваҳоланки, бир вақтлар маҳалла қўмитасининг кичиккина биноси ҳам йўқ эди, — дея хотирлайди Эркин ака. — Чунки миллий ўзликни англашда катта аҳамиятга эга бўлган маҳаллалар ишининг олдинга силжиши собиқ тоталитар тузум мақсадларига зид эди-да.

Лекин фаоллар бўш келишмади. Маҳаллани ҳақиқий таълим-тарбия ўчоғига айлантириш учун астойдил енг шимариб ишга киришилди. Қисқа давр мобайнида ҳашар йўли билан кўркам бино қурилди. Унинг атрофи ободонлаштирилиб, мўъжазгина боғ яратилди. Ўзбекнинг қадим фазилати — бунёдкорлик, яратиш ишқи билан яшаш маҳаллани республикамиздаги энг ибратли маҳаллалардан бирига айлантирди. Айниқса, у истиқлол йилларида юксак поғоналарга кўтарилди. Фаровонлик белгилари уй-жойларда ҳам ўз аксини топди. Бинобарин, хорижлик меҳмонлар — БМТнинг ижтимоий масалалар бўйича вакиллари ҳамда АҚШнинг Калифорния штатилик оилалар билан шуғулланувчи мутахассислар бу ерда амалга оширилган ишларга муносиб баҳо бердилар. Ўтган йил сўнгида Каримжон Ҳайитматовлар хонадонида бўлган Япония хотин-қизлар қўмитаси делегацияси вакилларининг ушбу маҳалла хусусидаги фикр-мулоҳазалари эса хорижликларнинг ўзбекларга ўзига хос эҳтироми бўлди.

Дарвоқе, маҳаллада 345 та хонадон бўлиб, 3752 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳар ойда ўрта ҳисобда 5-6 нафар оилага моддий ёрдам пули, 40 дан ошиқ икки ёшгача, 100 дан ортиқ 16 ёшгача фарзандлари бор оилаларга эса турли нафақалар бериб борилади. Айниқса, уруш қатнашчилари, кўп болали, ногирон фарзандлари бор хонадонлар алоҳида меҳр ила қуршаб олинган. Хусусан, янги йил байрами арафасида 36 та оилага 64 минг 500 сўм миқдорида кўмак берилди.

Маҳаллани тарбия ўчоғи деб беҳудага алқамайдилар. Унинг ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги роли нақадар юксаклиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис маҳалла ёшлари билан ҳуқуқтартибот органлари вакиллари, фахрийлар иштирокида турли тадбирлар, учрашувлар, йиғинлар ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «Уч авлод учрашуви»ни ўтказиш анъана тусини олмоқда. Бундан ташқари, маҳалла пойтахтдаги Ҳамза театри билан яхши алоқани йўлга қўйган бўлиб, ёшлар ва маҳалла хотин-қизлари театр спектакларига олиб борилмоқда.

— Саъй-ҳаракатларимиз самарасими, ҳайтовур, маҳалламиз ёшларининг аксарияти меҳрли, оқибатли, эътиқодли, илмга чанқоқ кишилар бўлиб вояга етишяпти, экстремистик гуруҳларга адашиб кириб қолганлар йўқ, — дейди оқсоқол шукронасини яширолмай. — Фикримча, Оила-Мактаб-Маҳалла тизимини янада ривожлантиришимиз керак. Шундагина фарзандларимиз биз хоҳлагандек буюк келажак бунёдкорлари бўлиб камол топадилар.

Биз маҳалла ишлари билан танишиб, «Республикада хизмат кўрсатган ёшлар устози» Эркин Fуломовнинг сўзларига қулоқ осар эканмиз, қаердаки раҳбар, оқсоқол кишилар фидойи, тиниб-тинчимас, ташаббускор ва талабчан бўлса, ўша ерда юксалиш бўлишига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Камол ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири.
И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Шоҳмот

МАРАТ ЖУМАЕВ — ГРОССМЕЙСТЕР

Россиянинг Северск шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган самарқандлик Марат Жумаев бош соврин соҳиби бўлди. Вакилимиз 16 иштирокчи орасида 12,5 очко билан ФИДЕнинг гроссмейстерлик талабини бажарди. Марат илк бор ўтган йил Линарисда бўлиб ўтган халқаро мусобақада ушбу юксак унвон учун дастлабки очколарни ўз ҳисобига ёзиб қўйганди.

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Республика шоҳмотшашка клубида Тошкент шаҳар биринчилиги поёнига етди. Швейцарча тизимда ташкиллаштирилган мазкур мусобақада 72 нафар шоҳмотчи иштирок этди.

Қизғин ва муросасиз кечган баҳсларда 19 ёшли спорт усталигига номзод Сергей Қаюмов 8 очко жамғариб, ғолибликни қўлга киритди. Дарвоқе, янги чемпион ҳақида. У республикамизнинг машҳур шатранж усталари оиласида вояга етган. Сергейнинг ота-онаси Дмитрий ва Ирина Қаюмоваларнинг иккаласи ҳам спорт устаси, мамлакат терма жамоаси аъзолари ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, биринчилик Сергей учун мамлакат чемпионатидаги иштироки олдидан муҳим тайёргарлик вазифасини ўтади. Шунингдек, мусобақа якуни бўйича 7 тадан очко жамғарган С.Редяшин, А.Юнусов, А.Захаров ҳамда Р.Турсуновлар ҳам республика чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

ТАЛАБАЛАР ИБРАТИ

Ўтган жума куни Тошкент Давлат Электротехника ва алоқа институти талабалари ташаббуси билан турнир бошланди. Унда мезбонлардан ташқари ЎзМУ, Тошкент Давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Давлат Аграр дорилфунунларининг кучли «лашкарбоши»лари дона суришмоқда.

Швейцарча тизимда баҳслашаётган жами 30 нафар қатнашчи орасида аллақачон тилга тушиб улгурган Севара Юсубалиева, Жасур Мажидов, Леонид Козак сингари 9 нафар спорт усталигига номзод шоҳмотчилар ҳам бор. Ҳозиргача ўтган уч тур натижасига кўра Жасур Мажидов ва Элёр Назаровлар ҳисобида 3 тадан очко бор.

Эркин ХОЛБОБОЕВ.

ШИФОКОРНИНГ БЕМИННАТ ЁРДАМЧИСИ

Самарқанд тиббиёт институтининг клиникасига Германиядан 12,5 миллион сўмлик «Цейсе opmi NC» русумли микроскоп инсонпарварлик ёрдами сифатида туҳфа этилди. Ушбу микроскоп миядаги хавфли ўсимта ва шишларни ҳамда бошқа ўзгаришларни аниқлашда қўл келади. Бу эса беморларга аниқ ташхис қўйиш ва даволашда ниҳоятда асқотади.

Мутахассис маслаҳати

Касалликни даволагандан кўра олдини олган маъқулроқ. Шундай экан, аввало озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишда унинг тозалиги, сифати ва сақланиш ҳолатларига жиддий эътибор бериш, акс ҳолларда сифатсиз маҳсулотлардан заҳарланиш мумкинлигини унутмаслик керак. Бу касалликларнинг жуда оғир кечадиган турларидан бири — ботулизмдир.

БОТУЛИЗМДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Ботулизм — асосан сифатсиз консерваланган озиқ-овқат маҳсулотларини тановвул қилиш орқали келиб чиқади. Яна бир жиҳати шундаки, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш корхоналарида технологик жараёнга риоя этмаслиги оқибатида ҳам юзага келади.

Ботулизм таёқчаси аноэраб микроблари, яъни кислородсиз шароитда ўсадиган микроблар оиласига мансубдир. Бу микроблар эса спора ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлгани учун ташқи муҳит таъсирига жуда чидамли бўлади. Хавфли томонларидан бири шуки, бундай споралар соатлаб қайнатилганда ҳам, бир йил мобайнида совуткич ускуналарида турган маҳсулотларда ҳам сақланиб қолиши мумкин.

Касаллик аломатлари заҳарланган маҳсулот истеъмол қилган кишида орадан 12-24 соат ўтгандан сўнг сезилади. Бунда бемор ўткир ошқозон-ичак касаллиги белгилари, яъни қорин оғриши, кўнгил айниши, қайд қилиши, ҳолсизланиш, кейинроқ эса неврологик аломатлар — кўриш қобилиятини пасайиши, кўзига буюмларнинг иккита бўлиб кўриниши, таом ютишининг қийинлашуви кузатилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, агарда беморга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатилмаса, нафас олиш аъзолари фаолияти кескин ёмонлашиши мумкин.

Хўш, бу хасталикни олдини олишда нималарга эътибор қаратиш лозим? Биз албатта, озиқ-овқат дўконларидан консерваланган гўшт, қўзиқорин, балиқ, сабзавот ва мева маҳсулотлари ҳамда колбаса, дудланган балиқ ва гўштларни харид қиламиз. Кўпинча ана шундай ҳолларда харид қилаётган маҳсулотларимизнинг мувофиқлик сертификати, гигиеник талабларга жавоб берадими, йўқми, қизиқмаймиз. Ана шу бепарволик ва андиша ўзимизга катта зарар келтириб чиқаради.

Айниқса, бозорларда ва аҳоли гавжум жойларда сотилаётган, номаълум шароитларда тайёрланган консерва маҳсулотларини умуман харид қилмаслик лозим. Уй шароитида эса сабзавот ва меваларни яхшилаб ювилгандан сўнг, технологик жараёнга амал қилган ҳолда истеъмол қилсак мақсадга мувофиқ бўлади. Нафақат ботулизм, балки бошқа хасталикларни келиб чиқишида ўзимизнинг маълум миқдорда «ҳисса»миз бор. Шундай экан, унга қарши курашда аввало ўзимиз ташаббус кўрсатмоғимиз лозим.

Н.ИКРОМОВА,
М.Улуғбек тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходими.

Амударё туманидаги «Қуёшой» болалар боғчаси жамоаси ҳаётида «Соғлом авлод йили» қувонарли воқеаларга бойлиги билан эсда қолди. 20 йиллигини нишонлаган «Қуёшой» боғчадан мактаб - боғчага айлантирилди.

«ҚУЁШОЙ»НИНГ ҚЎШ ҚУВОНЧИ

Ҳозирги кунда тўртта гуруҳда 75 нафар кичкинтой боғчада тарбияланаётган бўлса, 160 ўғил-қиз мактаб - боғчада таълим-тарбия олаётир, - дейди «Қуёшой» мудираси Галина Қурбонова. — Биринчи кунданоқ таълим-тарбия янги педагогика технологиясига асосланиб, болаларни эркин, мустақил фикрлашга ўргатишга эътибор қаратилди. Махсус гуруҳларда инглиз тили машғулотлари чуқурлаштирилган дастурга биноан изчил равишда ўтказилиб, бу борада ҳам муайян натижаларга эришилди. Моҳир педагоглар Бозоргул Тангриберганова ва Шамшод Дилмановаларнинг шогирдлари қисқа фурсатда инглиз тилида бемалол ўқиш ва гаплашиш имконига эга бўлишди.

Яқинда мазкур даргоҳда яна бир хайрли тадбир амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. Бу ерда кичкинтойларнинг жисмоний жиҳатдан баркамол ўсиб-ривожланишини таъминлаш мақсадида каратэ ва кураш секциялари иш бошлабди. Моҳир мураббий Баҳром Қурбонниёзовнинг шогирдлари ҳавас ва ишонч билан машғулотларга қатнашмоқдалар.

Шунингдек, тарбиячилардан Роза Мухторова, Ширин Ҳайитмуродова, Муқаддас Ортиқбоева ҳамда ўқитувчилардан Дилфуза Ёқубова, Боғдагул Сайдуллаева, Хушрўй Бобониёзоваларнинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, болалар «Таълим тўғрисида»ги қонун асосида билим сирларини чуқур ўрганишмоқда.

— Президентимиз ташаббуслари билан 2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши айни муддао бўлди, - дейди суҳбат пировардида боғча-мактаб мудираси Г.Қурбонова. - Албатта «Оила» ва «Соғлом авлод йили»нинг мантиқий давоми бўлган «Оналар ва болалар йили»да «Соғлом авлод» дастурининг тўла адо этилишига эришамиз. Муаллимларимиз янги педагогика технологиясини барча дарсларга татбиқ қилиб, ўқувчиларнинг ҳар томонлама саводли, одоб-ахлоқли бўлиб етишишларига астойдил ҳаракат қилаверишади.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

ШОИРЛАР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

Қўқонда Муҳаммад Аминхўжа Муқимийнинг 150 йиллиги ва Асқарали Чархий таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Тантаналарда иштирок этган шоир ва ёзувчилар, журналистлар, шаҳар жамоатчилиги вакиллари Муқимий ҳужраси ҳамда Чархийнинг уй-музейида бўлиб, уларнинг китоб ва қўлёзмалари, ижодий меросининг талқинлари билан танишди.

Икки шоир таваллудининг бир вақтда нишонланиши бежиз эмас. Муқимий ижоди ўзбек адабиётининг гўзал бир саҳифаси бўлиб, унинг кенг тарғиб этилишида Чархий домланинг хизмати беқиёс бўлган. Қолаверса, Чархий ўз ижоди билан мумтоз адабиётимизнинг энг гўзал ва ўлмас анъаналарини замонавий адабиётимизга олиб ўтган қалам соҳибларидан бири сифатида ҳам қадрлидир. Тантана қатнашчилари шаҳар марказидаги шоирлар хиёбонини зиёрат қилиб, қўқонлик шоир ва ёзувчилар ҳайкаллари пойига гулдасталар қўйди. Ҳамза номидаги театр биносида эса бу икки шоир ижодининг бугунги аҳамияти, қадр-қиммати ҳақида фикрлар айтилди, ғазаллар ўқилди, мухлисларга ажойиб концерт дастури ҳавола этилди.



МАФТУНКОР МАСКАН

Жиззах вилоят ички ишлар бошқармаси ДАН ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар давомида мамлакатимиз бойликларини ноқонуний равишда хорижга олиб ўтишга уринишнинг олди олинди. ДАН ходимлари янгиерлик Фахриддин Худойбердиев бошқариб кетаётган «12 АА 844» рақамли «КамАЗ»ни тўхтатиб, кўздан кечиришганда, автомашина юкхонасида устига кигиз ёпилган қўшимча ёнилғи баки борлиги маълум бўлди. Унда бир тонна солярка бўлиб, қўшниларга пуллаш учун олиб кетилаётган экан. Бундан ташқари, 50 литр пахта ёғи ва кўп миқдордаги хўжалик совуни ҳам машина юкхонасидан топилди.

Шунингдек, ДАН ходимларининг ҳушёрлиги туфайли янгиерлик М.Узоқов бир тонна буғдойни, А.Бобомуродов 130 литр бензинни Тожикистонга олиб ўтолмади.

(ЎзА).

Иснод

ЭЛ РИЗҚИГА ЧАНГ СОЛГАНЛАР

Машҳур адиб Ўзбекистонга қилган сафари ниҳоясида юртимизда бунёд этилаётган иншоотлардан тўлқинланиб, «Бугунги Ўзбекистон менга улкан қурилишлар майдонини эслатди», деган эди. Чиндан ҳам мустақиллик нашидасини сураётган мамлакатимизда осмонўпар бинолар, шинам ва чиройли иншоотлар қурилаяпти.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам бунёдкорлик ишига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилаяпти. Сурхон воҳасининг Олтинсой туманидаги тоғли «Навиобод» ширкат хўжалиги ҳудудида бунёд этилаётган юз ўринли санаторий қурилиши ана шу кўлами кенг бунёдкорлик ишларидан бири-дир. «Хўжаипок» тоғ дараси бағридан чиқаётган олтингугуртли шифобахш сув ёнида қад ростлаётган бу сиҳатгоҳ чинданам мафтункор.

Яхшилик ва эзгуликнинг қадами қутлуғ келади. Федерация Кенгаши ташаббуси Сурхондарё вилояти раҳбарияти томонидан маъқулланиб, қурилиш ишлари жадал олиб борилаяпти. Салом Норқобилов раҳбарлик қилаётган 276-механизациялашган кўчма жамланмаси бунёдкорлари уч сменада фидокорона меҳнат қилишмоқда. Уларнинг унумли ишлашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Зарур жиҳозлар билан таъминланган дам олиш хоналари ишчилар ихтиёрига берилган. Ҳар бир смена ишчиларига иссиқ овқатлар бепул берилмоқда.

Ишчилардан Шайдулла Мўминов, Алишер Сулаймонов, Жума Эшпардаевлар ишни сифатли бажаришда намуна. Бунёдкорлар меҳнатига яраша доимий равишда рағбатлантириб борилмоқда. Ишлаб чиқариш илғорларига қимматбаҳо совғалар тақдим этилмоқда.

— Қурилиш ишлари олиб борилаётган жой республикамиздаги муқаддас гўшалардан биридир, - дейди 276-МКЖ бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Мўминов. — Савоб ишни ниҳоясига етказиш мақсадида ҳозиргача 100 миллион сўмлик ҳажмдаги ишлар бажарилди. Насиб этса ишимиз ҳордиқ мавсумигача ўз ниҳоясига етади.

Д. РУСТАМОВ.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.40

Буюртма Г— 2024. 1 2 3 4 5 6